

---

## Туман ҳокими “Даханақақир” маҳалласида сайёр қабул ўтказди

Қабулда туман ҳоқимлиги масъул раҳбарлари, тумандаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла мутасаддилари ҳамда 37 нафар маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

Қабул жараёнида маҳалла ҳудудида яшовчи фуқоралар ўзларини қийнаётган муаммолар билан биргаликда, кўпчилик манфаатига хизмат қиладиган хусусий боғчаларнинг қурилиши, йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви таъминоти, чиқиндиларини ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, йўл белгиларини янгилаш каби муурожаатлар билан қатнашди.



Бошқа барча муурожаатларни ҳам муддатидан кечиктирмай ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга маълум қилиш юзасидан мутасадди корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

2019-10-31 17:43:13